# Қудратли давлатгина фуқаросини ҳимоя қилишга қодир бўлади

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда партиялар ва ҳаракатларни рўйхатга олиш тақиқлаб қўйилмаган, деди Президент. Лекин уларнинг дастурлари қани, мақсадлари нима? Улар нифоқ уруғини сочадиган чала-ярим шиорлар, шубҳали, талаблардан ташқари ҳеч нарсани таклиф эта олишмайди. Айрим ахборот воситаларининг хабарлари асосида хорижда «Каримов ўта қаттиққўл раҳбар» деган фикр вужудга келди. Аммо ҳозирги ўтиш даврида, тинчлик шу қадар омонат бўлиб турган, инсонпарвар мусулмон динига алоқаси бўлмаган Ислом ақидапарастлиги бош кўтариб кучайиб бораётган бир пайтда беҳуда ён бериш ва муросаи мадора қилиш фожиага олиб бориши мумкин. Тожикистонда худди шундай бўлди, у ерда сиёсатбозлар бошлаб берган биродаркушлик уруши натижасида 30 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди.

Қонуний йўл билан сайланган кучли ҳокимият — Марказий Осиё минтақасида барқарорликнинг кафолати бўлиб, бу борада Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади.

Хорижий журналистларни Тожикистондаги аҳволни барқарорлаштиришда Ўзбекистон қандай ўрин тутгани ҳам қизиқтирди. Президент бу саволга батафсил жавоб қайтарди. Тошкентда имзоланган ялпи хавфсизлик тўғрисидаги шартномада кўзда тутилишича, МДҲ мамлакатлари бир-бирига ёрдам беришга мажбур. Ҳозир, деб таъкидлади Ислом Каримов, Россия Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликнинг кафили бўлиши лозим. Тожикистон Олий Кенгашининг илтмосига биноан Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг ҳарбий қисмлари фуқаролар уруши давом этаётган жойларга юборилди. Ўзбекистоннинг қандайдир жойларни «босиб олиши» тўғрисида гапириш ахлоқсизликдан бошқа нарса эмас. Минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётган, жаҳон ҳамжамияти эса бу фожиага мутлақо эътибор бермаётган бир пайтда мамлакатнинг қонуний сайланган ҳукуматига қардош халқ ёрдам берди. Ислом ақидапарастларининг ҳақиқий қиёфаси намоён бўлди. Замонавий қуроллар билан таъминланган, миллион долларлаб пули бўлган ақидапарастлар бу қадимий диёрни Эронга ўхшаш давлатга айлантирмоқчи бўлдилар. Лекин бегуноҳ кишилар қони эвазига бундай давлатни барпо этиб бўладими?.. Тўғри, Ўзбекистонга ақидапарастликнинг суқилиб кириш хавфи бор. Бироқ қонуний йўл билан сайланган ҳокимият, барча соғлом фикрли кишилар ақидапарастликнинг кириб келиши қон тўкилишига сабаб бўлишини, мамлакатни бир неча ўн йил орқага улоқтириб ташлашини англайдилар.

Ислом Каримов гиёҳвандлик ва бангифурушликка қарши курашга тааллуқли саволга жавоб қайтариб, Ўзбекистон яқин вақт орасида интерполга аъзо бўлишини, республика «оқ ажал»ни етиштирувчиларга ва уни тарқатувчиларга нисбатан муросасиз кайфиятда эканини айтди. Мана бир далил: икки кун олдин Афғонистондан бир неча юз килограмм банг республика ҳудуди орқали жўнатилишининг олди олинди. Юк — ёнғоқ деб кўрсатилган эди... Ўша ердан Тожикистонга ва бошқа қўшни мамлакатларга қурол-яроғ ҳам олиб келинмоқда. Бу ташвишли ҳол эмасми, ахир?..

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ишонадиган кучли ҳокимиятгина осойишталикни сақлаб қола олади, республикани юксалиш йўлига олиб чиқа олади. Бу соҳада кўп нарса журналистларга ҳам боғлиқ, деди Президент Каримов. Чунки улар ижтимоий фикрни вужудга келтирадилар, ахборотни миллионлаб кишиларга етказадилар. Ахборот эса ҳамиша ҳақиқатдан иборат бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти журналистларнинг кўпгина бошқа саволларига ҳам жавоб қайтарди.

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзА мухбири.**

# «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги фармонга шарҳ

Ёш давлатимиз чинакам буюк тарихий ўзгаришларни бошидан кечириб, асрлар бўйи орзу қилинган эркинлик ва мустақилликка эришмоқда. Президент И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий йўл буюк келажак сари олиб бормоқда.

Мамлакатимиз жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига чиқиб олиши, Ўзбекистоннинг улкан маънавий, моддий бойликларини сақлаб қолиши ва кўпайтириши учун барча зарур шарт-шароитларга эгадир.

Республиканинг стратегик вазифаларидан бири — буюк келажак йўлидаги барча эзгу ишларни амалга оширишга қодир бўлган соғлом, жисмоний ва маънавий камол топган авлодни тарбиялаб етиштиришдан иборат.

Ҳозир келгуси авлодлар саломатлиги тўғрисида, соғлом болалар туғилиши учун, уларнинг жисмоний, маданий ва ақлий жиҳатдан камол топиши учун зарур шарт-шароитни яратиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган пайт келди. Президентнинг Ўзбекистонни юксалтириш дастурида бу вазифа давлат аҳамиятига молик ғоят муҳим вазифа сифатида белгиланган. У соғлиқни сақлаш, халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт, жамоат ташкилотлари ва хўжалик тузилмалари соҳаларидаги барча ходимлар олдига янги талаблар қўяди.

Республикада бу соҳада улкан собитқадам ишлар бошлаб юборилди. Президент бир қанча фармонлар қабул қилди, улар аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бу фармонларнинг амалга оширилиши ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижаларга эришишга кўмаклашмоқда. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтиришда, оналик ва болалик осойишталигининг моддий асосларини яратишда давомийликни таъминлашда давлат ва жамоат тузилмалари иштироки миллий дастурининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

«Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши мамлакатимизнинг келажаги соғлом авлодда мужассамлашувининг яна бир ёрқин далилидир. Бу Ўзбекистон Республикасининг олий мукофотларидан бири бўлиб, жаҳон тажрибасида бундай орден бўлмаган.

Янги орден бўлажак авлодлар генетик фондини яхшилашга доир илмий ишланмаларга, экстрагенитал касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадқиқотларга, болалар ва ўсмирларни янада соғломлаштириш қоидаларига кудратли омил бағишлайди. Ватан мукофоти онaликни муҳофаза қилувчи барча тиббиёт ходимларининг олижаноб меҳнатига янгича баҳо беради.

Шуни айтиш керакки, фақат ёш авлоднинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва камол топтириш билан бевосита шуғулланадиган касб вакилларигина эмас, шу билан бирга оналар ва болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган турли давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари ҳам шу орден билан тақдирланади. Хайрия ишларига ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилувчи ва улуғловчи моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган катта умумдавлат тадбирларини ўтказиб, етим болалар ва ногиронларни тарбиялашга ҳисса қўшган фуқаролар меҳнати қадрланиши ҳам жуда муҳимдир.

Мукофотланганлар учун белгилаб қўйилган катта ижтимоий ва моддий имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси биринчи орденининг аҳамияти ва обрўси катталигини тасдиқлайди.

Аммо энг муҳими унинг маънавий жиҳатидир. Чунки бу орден халқимизнинг тараққиёт учун шарт-шароит яратувчи, ёш авлодни онаотага муҳаббат руҳида, ўз Ватанини ҳимоя қилишга ва унинг бойликларини кўпайтиришга қодир чинакам ватанпарвар қилиб тарбиялашга интилувчи вакилларига берилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ёш давлатнинг барча ватанпарвар кучлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади, улар жамиятимиз асосларининг негизини — она ва боланинг, ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлашлари керак. Ўз фарзандларига ва оналарга шу қадар катта эътибор бераётган давлатимизнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюкдир.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

# РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ГУРУҲ АЁЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»**

**Раҳматуллаева** Замира — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси қошидаги «Дуторчи қизлар» дастасининг мусиқа раҳбари

**Халилова** Мавлуда Болтаевна (Матлуба **Дадабоева**) — «Мақом» дастасининг артисти

**Ўдаева** Султонпошша — хонанда, Тошкент шаҳридаги 38-мактабнинг мусиқа муаллимаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»**

**Охунова** Эътиборхон — журналист, ёзувчи

**Усмонова** Холтош — «Саодат» журналининг бўлим бошлиғи

**Шерова** Ҳабиба — Тошкент вилояти «Чиноз ҳаёти» газетасининг муҳаррири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»**

**Авелбаева** Клара Саджимуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

**Генкина** Любовь Тимофеевна — Самарқанд вилояти бирлашган кутубхоналар директори

**Раҳимбоева** Қутлибека — публицист, шоира

**Салимова** Шарифа — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ходими

**Шоймардонова** Шоҳида Алиевна — композитор

**Қобулова** Диловар Насимовна — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

**Ғуломова** Дилбар Муҳамедхоновна — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

**Эгамбердиева** Турғуной Аҳмаджоновна — Фарғона давлат университетининг проректори

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ»**

**Қамбарова** Хадича — Наманган вилояти Уйчи тумани Қизилравот тажриба хўжалигининг ишчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**Қурбонова** Рисқи Раҳматовна — Навоий вилояти «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси аммиак селитра цехининг смена бошлиғи

**Ҳусенова** Тош — Бухоро шаҳар зардўзлик фабрикасининг тўқувчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»**

**Жумабекова** Малика — Жиззах вилояти Фориш тумани Устихон қишлоқ участка шифохонасининг акушер-гинекологи

**Эшмуродова** Зайнаб Бобоевна — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт санаторийси бошлиғининг ўринбосари

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМИ»**

**Элмуродова** Момохол — Қашқадарё вилояти Қамаши туманига қарашли Ғ. Ғулом номидаги мактаб ўқитувчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»**

**Ражабова** Дармон — Хоразм вилояти Янгибозор тумани Ҳамза номидаги жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи

**Расулова** Асалхон — Андижон вилояти Олтинкўл тумани «Коммуна» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

**Рўзиева** Обод Олтиевна — Сурхондарё вилояти Термиз тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Алихонова** Нилуфар — шоира, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги ижодкор аёллар уюшмасининг раиси

**Аҳмадхонова** Маҳмуда — Наманган вилояти оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш марказининг бош шифокори

**Аҳметова** Гулзира Ибрайқуловна — Навоий вилояти Конимех тумани 20-мактаб-интернат ўқитувчиси

**Бозорова** Норжон Бақоевна — Бухоро вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси

**Бухарцева** Вера Петровна — Сирдарё вилояти ногирон аёллар интернатининг директори

**Бўтаева** Холтожихон — Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Оқтепа қишлоғи боғча мудираси

**Зокирова** Замирахон Муҳитдиновна — Фарғона вилояти Охунбобоев номидаги Қўқон тикувчилик фабрикасининг тикувчиси

**Курманова** Сакип — Қорақалпоғистон Республикаси балиқчилик саноатига қарашли Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси

**Маҳмудова** Наима Маҳмудовна — Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институтининг кафедра мудири, профессор

**Мелибоева** Тожи — Тошкент вилояти Зангиота тумани «Мустақиллик» давлат хўжалигининг директори

**Мирзажонова** Хайриниса Холматовна — Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари

**Миржалилова** Ҳожар — Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси

**Назарова** Озода — Дони Зокиров номидаги хор-капелла солисткаси, Тошкент шаҳри

**Нурматова** Муножотхон Қўчқоровна — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг биринчи даражали мутахассиси

**Нурмуҳамедова** Рихси — Тошкент «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси

**Отахонова** Онажон Аҳмедовна — Хоразм вилояти Ипакчилик бирлашмасининг ипак ўровчиси

**Расулзода** Пахтагул Назаровна — Тошкент темирйўл муҳандислари институтининг доценти

**Сафоқулова** Мавжуда — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари

**Турдиметова** Румия Олимовна — Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани марказий касалхонасининг врач-гинекологи

**Улуғхўжаева** Умри — Тошкент вилояти Қибрай тумани «Қибрай» давлат хўжалигининг бригада бошлиғи

**Холмуродова** Мавжуда — Олмалиқ кон-қидирув экспедицияси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

**Шодиева** Бўритош Аминовна — Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси

**Эралиева** Ўғилхон Нормирзаевна — Наманган вилояти Косонсой тумани Худойбердиев номидаги давлат хўжалиги сут соғувчиси

**Эсалиева** Тошбуви Бегимовна — Жиззах вилояти Зарбдор тумани уй-жой-коммунал хўжалиги сувоқчи-бўёқчиси

**Қодирова** Соня Бўриевна — Бухоро шаҳар 4-болалар поликлиникасининг бош шифокори

**Ҳайитова** Тўхта — Сурхондарё вилояти Узун тумани «1 Май» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

**Ҳалимбетова** Сапаргул — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани Охунбобоев номидаги давлат хўжалиги ишчиси

**Ҳожиқосимова** Тошхон — Андижон вилояти Асака тумани фахрийлар кенгашининг раиси.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 4 март.

# «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДА

## НИЗОМ

1. «Соғлом авлод учун» ордени билан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланадилар.

2. «Соғлом авлод учун» ордени икки даражадан иборат бўлади:

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени;

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени.

I даража орденнинг олий даражасидир.

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, инсон экологиясини яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватани — мустақил Ўзбекистонга ҳар томонлама содиқлик ва ундан фахрланиш олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун мукофотланадилар.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан соғлом авлодларни камол топтириш ишига катта ҳисса қўшган, оналик ва болалик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилувчи кишилар, ногирон ва етим болаларнинг васийлари, болалар ва оналикка нисбатан мунтазам олий хайр-эҳсон кўрсатувчи жамоат ташкилотлари, хўжалик тузилмаларининг вакиллари мукофотланадилар.

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

— йилига бир марта (ҳар икки томонга) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида темир йўл, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида шахсан бепул юриш;

— шаҳар йўловчилар транспорти, қишлоқ жойларда автомобиль транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) шахсан бепул фойдаланиш;

— имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонларни текин олиш·

— квартира ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод бўлиш.

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар бир вақтнинг ўзида энг кам иш ҳақининг 50 баравар миқдорида пул мукофоти оладилар.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар:

— шаҳар йўловчилар транспорти, қишлоқ жойларда автомобиль транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) шахсан бепул фойдаланиш;

— имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонлар нархининг 50 фоизини тўлаш;

— квартира ва коммунал хизматлар ҳақини 50 фоиз миқдорда тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганларга бир вақтнинг ўзида энг кам иш ҳақининг 25 баравар миқдорида пул мукофоти топширилади.

I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида вазирликлар ва идоралар, фан ва маданият муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқади.

«Соғлом авлод учун» ордени билан бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳам мукофотланишлари мумкин.

I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени кўкракнинг чап томонида тақилади.

Ҳар бир мукофотланган кишига тегишли даражали «Соғлом авлод учун» орденини топшириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар берилади.

«Соғлом авлод учун» орденининг даражаларидан қатъи назар, бу орден билан такроран мукофотланилмайди.

# ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

## ФОЙДА 50 МИЛЛИОНДАН ОШДИ

● Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари ўтган йилнинг якунларига кўра яхшигина мукофот пули олдилар. Корхона олган 51 миллион сўм фойда ходимларнинг оилавий бюджетига барака киритди.

Лекин фойда олиш осон эмас, бирлашмада машина-ускуналар янгиланди, янги харидоргир пойабзалларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, дўконлар пештахталарида тобора камайиб кетаётган калиш ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда меҳнат унумдорлиги анча ошди. Иш сменаси қисқартирилиб, олти соатга келтирилганига қарамай ходимларнинг иш ҳақини кўпайтиришга муваффақ бўлинди.

Олинган фойда пойабзалчиларнинг эҳтиёжларига сарфланишидан ташқари вилоят марказини кўкаламзор қилиш ва ободонлаштиришга 800 минг сўм, Бобур жамғармасига 500 минг сўм, «Маҳалла» жамғармасига 100 минг сўм ўтказилди. Фойданинг бир қисмини Италия ва Германиядан тағин ҳам мукаммалроқ машиналар сотиб олишга сарфлашга қарор қилинди.

## ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

● Норин туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг деҳқонлари баҳорги дала ишларини ишонч билан бошламоқдалар хўжаликда ҳамма машиналар дала ишларига тахт қилиб қўйилган.

Туман қишлоқ хўжалик техника ремонти бошқармасининг мутахассислари хўжаликдаги техникани яхшилаб таъмирлашда ёрдам бердилар. Улар билан ҳамкорликни давом эттириш кўпгина муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Шу сабабли жамоа хўжалиги бошқарма билан техникага ҳар томонлама хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузди.

Бу хизмат учун тўланган ҳақни механизмларнинг пухта ишлаши қоплаб кетади, натижада кўплаб маблағ тежаб қолинади, чунки ҳозирча хўжаликнинг едирилган деталларни мустақил таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар топиш имконияти йўқ. Бошқарма ходимлари билан ҳамкорлик даврида жамоа хўжалигида механизмларнинг умумий техникавий ҳолати анча яхшиланди.

## АМАЛИЙ ҒАМХЎРЛИК

Боёвут туманидаги Ленин номли жамоа хўжалиги меҳнатчиларининг оилалари электр қуввати ва табиий газдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан яхшигина фойда олган хўжалик бу харажатларни ўз зиммасига олди.

Кўпгина колхозчилар ўтган йил якунларига кўра катта даромад олдилар. Масалан, А. Ҳайдаров оиласига 440 минг сўм, Х. Отабеков оиласига 365 минг сўм, Р. Бўриев оиласига 185 минг сўм тўланди. Колхоз ҳаммоми ҳам жамоа хўжалиги аъзолари учун текин хизмат қилмоқда.

**Сирдарё вилояти.**
**(ЎзА).**

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг
ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ,

UNIVERSAL IMPORT-EXPORT GmbH
MÜNCHEN HANNOVER
Michael Dick

ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИМИЗ ЖАҲОННИ ҚАМРАГАН

КУП ТАРМОҚЛИ ОЛДИ-СОТДИ ФИРМАСИ
МЮНХЕН-ГАННОВЕР

ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИГАН, ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

— САБЗАВОТ ВА МЕВА ҚУРИТИШГА МУЛЖАЛЛАНГАН МУЪЖАЗ ЗАВОДЛАР;
— КИЧИК СУТ ЗАВОДЛАРИ;
— ПИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЗАВОДЛАР;
— МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН УСКУНАЛАР.
— ТЕГИРМОНЛАР ВА БОШҚА УСКУНАЛАР.

Берилган буюртмалар қисқа муддатда адо этилади.

Ускуналарнинг баҳоси ўртача бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчилар учун мақбул даражада белгиланган.

Қурилмаларнинг меҳнат унумдорлиги ғоят юқори.
Ушбу қайта ишлаш корхоналарига сарфланган маблағ қисқа муддатда қопланади.

Ускуна ва қурилмаларга Сиз учун қулай бўлган усулда ҳақ тўлашингиз мумкин.

Шу кичик корхоналар бўйича Сизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан фирмамизни Ўзбекистон Республикасида тарғиб-ташвиқ этиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатини олган ташкилот — «Нуристон» ассоциациясига — Ўзбекистон агросаноат комплекси тармоқларини информатизациялаштириш ва ривожлантириш уюшмасига мурожаат этишингизни сўраймиз.

«Нуристон» ассоциациясининг манзили: 700043, Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй, телефонлар: (3712) 45-68-67; 45-22-41.

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ СИЗГА ЯХШИ ДАРОМАД КЕЛТИРГАНДА ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛАДИ.

Жамғарма банки

ПУЛИНГИЗНИ ЖАМҒАРМА БАНКИДА САҚЛАСАНГИЗ ҚАДРСИЗЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАСИЗ

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасаларида сақланаётган омонатларнинг фоиз ставкалари 1993 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги миқдорларни ташкил этмоқда:

Йўқлаб олинадиган омонатлар бўйича — 10 фоиз;

Сақланиш муддати белгиланган омонатлар бўйича:

— Бир йилдан уч йилгача 20 фоиз;

— Уч йилдан беш йилгача. 30 фоиз;

— Беш йилдан кўп бўлганда — 45 фоиз;

Ёшлар-мукофот омонатлари бўйича — 20 фоиз;

Мақсадли болалар омонатлари бўйича —45 фоиз;

Тўпланадиган омонатлар бўйича — 45 фоиз;

Ютуқли омонатлари бўйича — 6 фоиз.

ЖАМҒАРМА БАНКИ ЭНГ ИШОНЧЛИ БАНК БЎЛИБ, ОМОНАТЧИЛАР ОЛДИДАГИ БАРЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки.

